

TAFAKKUR

ZIYOSI

ilmiy-uslubiy jurnal

Тафаккур зиёси 1/2020



МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Шавкат ШАРИПОВ. Илм-фан ютуқлари - мамлакат тараққиётининг муҳим гарови.....4

ДАВР МУАММОСИ

Ҳусниддин АҲМЕДОВ. Таълим ва тарбия - маънавий ислоҳотлар омили.....5

ТАКВИМ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 579 ЙИЛЛИГИ

Усмонжон ҚОСИМОВ, Сапура КАРИМОВА. - Адабий аънава ва новаторлик қирралари.....8

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА

Бахти ОЧИЛОВА. Таълим тизими ислоҳотларининг тафаккур янгиланишидаги аҳамияти..... 11

Бобомурот ТОШБОЕВ. Ўзбек халқи маънавий қиёфаси такомилда миллий тамойилининг ўрни..... 18

Қувват АЛИҚУЛОВ. Ёшлар иқтисодий фаоллигининг ахлоқий ва эстетик истиқболлари.....20

Дилбар ФАЙЗИХОДЖАЕВА. Имом Ғаззолий мунозара шартлари ва одоби ҳақида.....24

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Машраб муножотлари.....27

Зиёдулла ҒОЗИЕВ. Сўфи Оллоёрнинг меҳр-оқибат тўғрисидаги фикрлари.....30

ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Феруза ЖУМАЕВА. Ясама сузларнинг семантик структураси.....33

Дилноза АБДУВАЛИЕВА, Абдулҳамид АБДУВАЛИЕВ. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасидаги архаиклашган бирликлар.....36

Барно ҚЎШОҚОВА. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясалишидаги роли.....41

Турсункул АЛМАМАТОВ, Шахноза АЛМАМАТОВА. Муболағалар воситасида ўқувчилар нутқий салоҳиятини ошириш.....43

Латофат ИБРАГИМОВА. Шарт майлининг қўлланишига доир баъзи мулоҳазалар.....46

Нодира СОАТОВА, Завқиддин БУРХОНОВ. "Қисаси Рабғузий"да композицион тузилиш ва ғоя.....49

Элмурод НАСРУЛЛАЕВ. "Алишер Навоий" драмасида улуг шоир шахсияти талқини.....51

Тозагул МАТЁҚУБОВА. Фафур Фулом шеъриятида лирик "Мен"и табиати.....55

Латифа ХУДОЙҚУЛОВА. Суннат тўйи маросими фольклорининг локал хусусиятлари.....58

Насим ОЧИЛОВ. Қодир бахшининг дostonчилик фаолияти ва эпик аънаваларнинг жонланиши.....61

ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ

Асқар МЎМИНОВ, Ҳамрақул ЭШОНҚУЛОВ. Мактабгача таълим муассасалари бошқарувини математик моделлаштириш.....65

Хуррам ТАНГИРОВ. Электрон таълим ресурслардан фойдаланишда хорижий мамлакатлар тажрибаси.....67

Ўктам ҲАЛИМОВ. Талабалар касбий компетентлигини математика воситалари ёрдамида шакллантириш.....71

Мурод БАРАКАЕВ, Зебо ҒИЁСОВА. Математик таълимда ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятлари.....74

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ. Талабаларни бадиий қадриятлар асосида тарбиялаш йўли.....78

Умид ЖУМАНАЗАРОВ. Чет тилда нутқ фаолиятини эгаллашда интуиция ва онглиликнинг ўрни.....81

Гулноза ҚУРБОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш.....84

Икром ЭГАМБЕРДИЕВ. Анорганик олам компонентларининг шаклланиши ва ривожланиши85

Хўжамберди ТОҒАЕВ, Тўйчи ИСМОИЛОВ, Ориф КАРИМОВ. Ижодкорлик масалалари ечимининг фалсафий-педагогик асослари.....88

Гулчеҳра ЎТАМУРОДОВА, Чингиз ОЧИЛОВ. Ўқитувчи камолотида шарқ мутафаккирлари қарашларининг ўрни.....91

Насиба ЖУМАНОВА. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда мулоқотнинг ўрни.....93

Ботир БОЙМЕТОВ, Ўғилой ХУДОЙНАЗАРОВА. Рангасвирда портрет тасвирининг методик асослари.....95

Ойкарам БАЙМУРЗАЕВА. Санъат ва ижтимоий ҳаёт.....98

Акбар СОДИҚОВ. Юқори синф ўқувчиларида тезкорлик қобилиятини ривожлантириш услублари.....100

Нурмаҳан АБДУКАРИМОВ. Глобаллашув даврида ёшлар тарбияси.....102

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ТАФАККУР ЯНГИЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Бахти ОЧИЛОВА - фалсафа фанлари доктори, профессор
Жиззах давлат педагогика институти.

АННОТАЦИЯ. Мақолада таълим тизими ислоҳотларининг зарурияти, функционал моҳияти ва тафаккур янгиланишидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: эҳтиёж, интеллектуал салоҳият, инсон капитали, олий таълим, инновацион таълим.

АННОТАЦИЯ. В статье проанализированы закономерность реформ системы образования, функциональная сущность и значение обновления мышления.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: потребность, интеллектуальный потенциал, человеческий капитал, высшее образование, инновационное образование.

THE SIGNIFICANCE OF EDUCATIONAL REFORMS IN RENEWING COGNITION

ABSTRACT. The significance of reformation of educational system in renewing of intelligence.

KEYWORDS: need, Intellectual, potential, human capital, higher education, innovative education.

XX асрнинг охирига келиб инсоният юқори интеллектуал, ижтимоий-маънавий босқичига қадам кўйди. Ижтимоий тараққиётнинг бу босқичи янги, ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланиб борди. Чунки ҳар қандай мамлакат, миллат ва халқлар тақдири ана шу ижтимоий қонуниятларга қай даражада амал қилишига боғлиқдир.

Бугун бутун жаҳонда ижтимоий тараққиёт кишилар моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларининг ўсиб бориши, турли ижтимоий институтлар фаолиятидаги чуқур ўзгаришлар натижасида юз бермоқда. Замонавий постиндустриал жамиятда борган сари интеллектуал салоҳиятнинг даражаси билан баҳоланадиган инсон капитали стратегик ресурсга айланиб бормоқда ва жаҳондаги аксарият давлатларда интеллектуал миллатни шакллантириш стратегик вазифа ҳисобланмоқда.

Ҳар қандай тараққиётнинг пировард мақсади ва муваффақият мезони бўлган инсон учун танловнинг кенгайиши, ўз эркинлигини амалга ошириши, узоқ ва соғлом турмуш кечириш имкони, билим олиш ва муносиб ҳаёт даражасининг яратилиши жамият ривожига ҳал қилувчи роль ўйнайди. "Одамларнинг ташаббус кўрсатиш қобилияти ҳозирги шароитларда ривожланишнинг моддий ресурсларни бошқаришга қараганда муҳимроқ омилига айланиши, айна шу сабабли рақобат кураши моддий ресурсларни қўлга киритиш муаммоси атрофида эмас, балки тез янгиланиш, инновацияларни яратиш ва амалга жорий этиш қобилияти атрофида авж олади... Бу фазилатларнинг ишга солиниши эса таълим олишга тайёрлик ва қобилиятга бевосита боғлиқ бўлади"¹. Чун-

ки, "инсоннинг ўта фаоллашуви ва ўз-ўзини мослаштирувини талаб этаётган бу даврда кўп қиррали билим ва ночизиқли тафаккур тарзи ниҳоятда муҳим. Фаоллашиш ва талабларга жавоб бериш учун ўзига қаратиш, ўз-ўзича онгли ҳаракат шакллари ва унсурларнинг ҳосиласи-ўзини ўзи ташкиллаштириш ниҳоятда зарур бўлмоқда"².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида: "Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонадир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдида нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда. Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ"³. Бу ташаббускорлик, инновацион тафаккур, ностандарт ҳолатларда энг тўғри, мақбул ечим топа билиш ва масъулиятни зиммага олиш салоҳиятига эга бўлган шахсларга эҳтиёжни оширади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз олдига ана шундай шахсни шакллантиришни мақсад қилиб кўйди. "Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар

¹ Crozier M. L'entreprise a l'ecoute. Apprendre le management postindustriale. - P., 1991. P. 5.

² Князева Е.Н. Саморефлексивная синергетика // Вопрос: философии. 2001 № 10.Б. 90-92.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: "Ўзбекистон", 2017. Б. 168.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи /http://uz

яратиш" диро⁴. Бунинг учун "...мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юрталарининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак" ва бу "...муайян ижтимоий тизимнинг ўта зарур, объектив ва моҳиятли паллаларини ифодалайди, уларни қониқтириш эса ушбу тизимнинг кўнгилдагидек фаолияти ва ривожланишини таъминлайди"⁵.

Шахс ўз ҳаёт фаолиятини ўзи қайси жамият аъзоси бўлса, шу жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ амалга оширади. Билимларни чуқурлаштириш ва жамиятни ўзгартириш эҳтиёжлари ва манфаатлари онгли тарзда намоён бўлади. Инсонда айна шу эҳтиёжлар ва манфаатларга мувофиқ ижтимоий менталитет шаклланади. Манфаатларни англаш негизда ижтимоий тизимларнинг жиқслашуви юз беради. Бирликнинг манфаатлари унинг эҳтиёжларида, прогрессив ривожланишда ва бошқа ижтимоий организмлар билан муносабатларда англаб етилиши муайян ғоялар ва назарияларда ўз ифодасини топади. Бу ижтимоий организмнинг тараққиётига хизмат кўрсатувчи, ижтимоий бирликларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати орқали намоён бўлувчи, группавий фаолиятнинг асоси саналган муайян мўлжаллар, идеал мақсадларда ўз ифодасини толувчи ғоялар ва назариялардир.

Шу сабаб кўпчилик давлатлар ижтимоий тизим ҳисобланган таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда. Чунки, янгиликлар инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва инновацион муҳит ҳукм суриши лозим. XX асрнинг иккинчи ярмида айрим Шарқ ва жанубий-шарқий Осиёнинг мамлакатлари, жумладан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг, Сингапур, Малайзия таълим тизимидаги инновацион ислохотлар ва уларнинг натижасида мазкур мамлакатлар ривожланиши шиддат билан амалга ошиб борди.

"Япония мўжизаси" таълим ислохотлари билан боғлиқ ҳолда юзага келгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Таълимнинг илгарилама доиравий айланиш методологияси таълим тизими тамойилларини ижтимоий воқеликка жорий қилинишида координатор вазифасини ўтади, соҳага оид муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари, бўшлиқларни кўрсатиб, реал ва зарурий имкониятларни, абстракт ва тасодифлардан ажратиб, ойдинлаштириб берди ҳамда таълим тизимининг барча бўғинларининг система сифатида бирлиги, ўзаро таъсирлари ва детерминацион алоқадорлиги, сабабий боғланиши ҳамда инновацион ўзгаришлар-

га "очиқлик" даражаси юқорилигини ҳарактерлади. Таълим тизимига системали ёндашув мазкур тизимга динамик ривожланаётган яхлитлик деб қарашни таъминлайди. Тизимнинг характери унинг алоҳида таркибий қисмлари (болалар боғчалари, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган мажбурий таълим, 10,11,12-синфларини ўз ичига олган юқори босқич ўрта мактаби ва олий таълим тизimini ташкил этган дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар)нинг хусусиятлари ҳамда унинг тузилиши хоссаларига қай даражада боғлиқлиги, тизимдаги ўрни, функциялари, ҳамкорлиги, мақсадлар муштараклиги ва структуравий тартиблигида намоён бўлди.

Инновацион шахс типини босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган таълим дастурлари миллий тажриба ва жаҳон миқёси ютуқлари асосида тайёрланган бўлиб, ички структураси ва талабларида куйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

- * сақлаш (ахлоқий тафаккур)
- * фикрлаш (унумли тафаккур);
- * баҳолаш (ижодий тафаккур);
- * янгилик (инновацион тафаккур);
- * мақсад (ижтимоий тафаккур).

Индивидуал ва модулли таълим Япония олий таълимнинг асосий хусиятларидан бири ҳисобланади. Таълимнинг индивидуаллашуви бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талабанови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларидан кўп. Модулли мустақил таълими шахсни келгусидаги мутахассислик фаолиятдан келиб чиққан ҳолда вазифалар белгиланади ва талабанинг барча қобилияти ҳамда имкониятлари ташаббускорлигини очишга йўналтирилади. Ўқитиш ҳам таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган.

Япония олий таълим инновацион муҳити ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг таркибий элементларига:

- профессионал-педагогик маданиятнинг хос-саси сифатидаги инновационлик;
- инновацион фаолият;
- инновацион жамоанинг мавжудлиги;
- инновацион рақобатни киритиш мумкин. Бинобарин, "инновацион муҳит - бу муайян йўл билан яратилган вазият бўлиб, унда инсон ўзини эркин, тўлиқ мотивлаштирилган, ижодий ишга тайёр хис қилади"⁶.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz

⁶ Арлет Енс Х. Инновация и творчество // Проблемы теории и практики управления. 1991. №3. Б.77

Олий таълим муҳитидаги мавжуд қуйидаги элементлар ҳам Япония таълимининг дунё микёсидаги нуфузини белгилашда муҳим рол ўйнади:

* Ўқув-методик таъминоти жойлаштирилган электрон кутубхона, фундаментал билим берувчи дунё микёсидаги адабиётлар, нуфузли манбалар:

* on-line режимидаги ўқув хоналар;

* замонавий технологик жиҳозланган лабораториялар;

* таълим соҳасидаги халқаро илмий, педагогик интеграция;

* "Syllabus" тизими ва жадвали;

* масофавий таълим;

* ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси;

* ўз виртуал ўқув гуруҳининг талабалари билан мулоқат қилиш;

* ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки ва гуруҳ бўлиб, ҳамкорликда ишлашни (Web элементларини ишлатиш орқали) ташкил этилгани ва б.

Японияда ҳам ўқитувчи асосан жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради. Фарқли ўлароқ мазкур топширик ижроси ниҳоятда катта диққат-эътибор ва юқсак даражадаги масъулият, касбга садоқат ва ҳурмат, интизом ва шахсий ибрат, дахлдорлик ва миллатпарварлик, профессионал педагогик меҳнат ва илмий салоҳият билан амалга оширилади. Педагоглар ўз маҳоратларини узлуксиз ошириб боришга, ҳозирги куннинг юқсак талабларига мос замонавий билим ва тахрибаларни ўзлаштиришга, ижодий, креатив ва прагматик меҳнат қилишга интиладилар. Улар педагогик тизимда белгиланган, мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини таълим мезонлари бўйича чуқур эгаллайди ва бу жараённинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражага эгаллаётганини энг мақбул усуллар билан билан доимо назорат қилиб боради (ўқитувчининг эдвайзер, фасилитатор, модератор функциялари, репродуктив ва продуктив тестлар, блок синов, ассессмент каби технологияларини ўтказилиши). Педагогик ходимлар ўз касбий фаолиятида бош мақсад сифатида улар қуйидагиларни белгилайдилар: ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш - 59,7%; ўқувчилар билан самимий муносабатлар ўрнатиш ва уларнинг муаммоларини тушуниш - 53%; ўз фанини яхши ўқитиш - 43%; ҳар бир ўқувчининг имкониятларини аниқлай билиш - 37%; ҳамкасблари билан яхши муносабатларда бўлиш, руҳан яқин ходимларнинг мавжудлиги - 31%.

Ижодий интеллектуал меҳнат цивилизация шарт-сифатида, унинг ҳаракатлантирувчи механизми вази фасини маънавий нормаларга кўра ташкиллаштирган Япония бугун тараққий этган мамлакатлар ичида етакчилик қилмоқда. "Дунёдаги энг

бой давлатлардан бири ҳисобланган Япониянинг кудрати - одамларнинг ақл-заковати, тадбиркорлигидадир. Улар бошқа мамлакатларнинг илмий тажрибаларини, янгиликларини тезда илғиб олиб, ўзида қўллагани учун ҳам қисқа муддатда дунёнинг кучли мамлакатлари сафидан ўрин олди. Шунинг учун ота-бободан қолган меросга қўз тикиб ёки "янги велосепед" иштиро қилиб юрмай, японлардан ўрнак олиб, дунёдаги энг илғор технологияни, иш усулини ўзимизда қўллашни ўрганаётимиз".⁷

Қисқа муддатда Хитой, Финландия, Ҳиндистон каби мамлакатлар таълим, интеллектуал потенциал ва инновацион фаолият элементларини уйғунлаштириш асосида юқсак тараққиётга эришди. Мазкур давлатларнинг табиий ва заҳира ресурслари камлиги ёки Хитой, Ҳиндистонда эса ресурсларга нисбатан инсон сонини кўплиги тараққиётга тўсиқ бўла олмади. Чунки, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилияти бу давлатларда юқорик. Бу қобилият эса инноваторлик эҳтиёжи тўғрисида юзага келди. Креатив (яратиш) фикрловчи кишилар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган усуллари, технологиялар билан мамлакат иқтисодиётини бойитди, соғлиқни сақлаш, туризмни, умуман жамиятнинг барча соҳаларини инновацияга асосланган ҳолда ривожлантирди. Инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантиришга эътибор берган бу каби мамлакатлар мусабоб ва турли маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодий тизимида етакчиликка эришди. Бу борада таълим маконининг ўзаро боғланган элементларини ўзида ифодалаган олий таълим инновацион фаолият субъекти қилиб олингани муҳим рол ўйнади. Чунки, "инновацион жараённи белгилаш ва уни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган биринчи "таксимиллашган" бирлик олий таълим ҳисобланади".⁸

Инсонни иштиёрий фаолият, яъни кўнгилли ишга чорловчи истакнинг негизида ҳар бир кишига хос бўлган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ётади. Жумладан, бошқаларга наф келтириш, ўзини намоеён қилиш ва мулоқот истаги кишини фаолликка етаклайди. Кишида ижтимоий жиҳатдан эътирофга бўлган эҳтиёж ҳам мавжуд. Профессонал ва ҳаётий тажрибани қўллаш истаги ҳам кишини шундай фаолиятга чорлаши мумкин. Ўз имкониятларини ишга солиш, ўз ғояларини татбиқ этиш истаги ҳам кишини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва иштирок этиш эҳтиёжи ҳам кишини фаолликка етаклайди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда инновацион шахс тасодифий мавжудлик эмас. Уни шакллантириш моддий ва маънавий омиллар билан узвий боғлиқдир. Инновацион шахс типини шакллантириш жамият ва шахснинг анланган оқилона эҳтиёжлари ва манфаатлари, шахс камолоти учун зарур бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг мав-

⁷ Каримов И.А. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. Ж.2.Т.: Ўзбекистон, 1996. Б.124-125

⁸ Ковалёва Т. Типы инноваций // Инновационное движение в образовании. - М., 1997. Б.144.

ҳудди, уларнинг диалектик алоқадорлиги билан белгиланади. "Иходий фаолиятни тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга олиб келадиган инновацион фаолият даражасига кўтарилиши инновацияга бўлган субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив (ижтимоий мақсад, буқортма, тараққиёт босқичи ва бошқалар) шарт-шароитлар ва омилларга боғлиқ"⁹.

АҚШ, Фарбий Европа давлатлари билимларни ривожлантириш стратегиясига эга ва унинг динамик ўзгаришларига импульс берувчи омилларга қараб бу стратегиялар такомиллаштирилиб борилади. XX аср арафасида АҚШ "2000-йилда Америка таълим стратегияси" дастурини эълон қилди. Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дастурда 2000-йилда барча америкалик кичикантойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари, ахрнинг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши, ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз иқтидорларини намойиш эта олишлари, талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқишлари, ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг иқтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлиги кўрсатилди. Мактабларда мажбурият, характер, субъект, объект этикаси, тафаккур ва ҳақиқат, плюрализм назарияси ва амалиёти масалалари ўрганилиши белгиланди ва мактабгача тарбия, бошланғич таълим, олий таълимга модуллаштириш, болаларнинг билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилди. Бу педагогнинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига ҳамда ўқувчининг шахсий ҳобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳамда педагогик инновациялар тараққиётига шароит яратди. Бу жаҳонда, энг диққатга сазовар жиҳати оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, ҳисобдорлиги ҳамда жавобгарлигининг ўрнатилганидир. Бунда "инновацион ҳаракатнинг ўзи юзаки ташкиллаштириш ва ўзгартириш сифатида эмас, балки муайян мақсадга эришиш йўлида бирга ҳаракат қилиш сифатида, бу ҳаракатдаги ҳаёт сифатида, коллектив иход сифатида тушунлади"¹⁰.

Ривожланган мамлакатлар таърибасидан келиб чиқиб 2017 йилнинг январ ойида Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Иқтисодий Форумида кейинги 10 йилда мутахассислардан талаб қилинадиган кўникмалар рўйхати эълон қилинди. Бу кўникмалар инсонни ўзининг энг кучли ички жиҳатларини рўёбга чиқаришга мажбур қилишини ва бу кўникмаларга эга бўлиш талаб қилиниб кўйилди¹¹. Жумладан:

* ҳаёт тўсиқларини энгиш қобилияти, катъият ва интизом;

- * шахсий ташаббус ва креативлик;
- * фундаментал билимларга эгалик, ун ва ундан ортиқ қорикий тилни билиш;
- * илм-фандаги энг сўнги янгиликлардан хабардорлик ва прагматиклик;
- * замонавий инновацион технологияларни билиш юқорилиги;
- * ностандарт ҳолатларда энг тўғри, мақбул ҳим топ билиш ва касбий мақорат;
- * ўзига ўзи ҳисоб бериш кўникмаси ва танқидий фикрлаш.

Бу каби кўникма талаблари "ҳозирги олий таълим энг аввало қимни тайёрлаши керак?" деган саволга жавоб беради. Қолаверса, ҳозирги кунда бундай кўникмаларга эга бўлиш ҳар бир миллатнинг истиқболи учун катта амалий аҳамиятга эга бўлади.

Мустақиллик йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларга замонавий билим ва касб-ҳунарни ўргатиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Бир неча йиллар давомида таълим соҳасидаги ўзгаришлар суръати охириги йилларда янада тезлашди: мактабгача таълим мутлақо ўзгарди, бу тизимни самарали ислоҳ қилиш учун давлат-ҳусусий шериклик муносабатлари йўлга қўйилди, умумий ўрта таълим тизимидаги ўзгариш сифатида бошланғич синфларда беш кунлик ўқув жорий этилди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақлари оширилди, мактаб таълими 11 йил этиб белгиланди, касб-ҳунар таълими мутлақо янгиланди, олий таълимда эса абитуриентлар бир вақтнинг ўзида унгагина олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш имкониятига эга бўлди, кириш тест синовлари тўлиқ шаффоф ҳолатда ташкил этилди, табақалаштирилган шартнома тўлови асосида ўқишга кириш, сиртки, кечки таълим жорий этилди, халқаро ҳамкорликка сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ёшларга доир давлат сиёсатида, 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 5 июнда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2018 йил 27 июндаги "Ёшлар келажагимиз", 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва ижтимоий баркамол этиб табиалаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 18 январдаги

⁹ Кубеева Ш. Ёйин ва инновацион тафаккур. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2019. Б.17.

¹⁰ Розин В. Инновационное педагогическое творчество // - Alma Mater. 1997. №3. Б.5.

¹¹ <https://www.weforum.org>

"Таълим сифатини назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 19 мартдаги "Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, маънавиятни юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус"ида, 2019 йил 30 августдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 27 августдаги "Профессional таълим тизимини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2019 йил 8 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси", 2019 йил 11 ноябрдаги "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ташаббусларда шахсга йўналтирилган таълим тарбия парадигмаси, имкониятларни режалаштириш ва мақсадга эришиш стратегияси аниқ кўрсатилди.

Олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан тақомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, 2017-2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилиши белгиланди. Бу дастур белгиланган муддатлар ижро қилиб борилмоқда¹².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони асосида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълимда эътибор бериладиган вазибаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ушбу ҳужжатлар абитуриентларни олий таълимга қабул қилишда энг замонавий халқаро тажрибани татбиқ этиш, ўқув сифатини яхшилаш, якуний назоратларни янгича баҳолаш, ёшлар билан ишлаш, профессор-ўқитувчиларнинг масъулияти ва нуфузини ошириш борасида қатор ўзгаришларга имкон берди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан амалга оширилган ўзгаришлар юқоридаги фикримизни асослайди. Демак, мазкур Қарор билан: мактабгача таълим йўналишида бакалавр - 3 йил, магистратура - 1 йил бўлди, абитуриентлар ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш тизими босқичма-босқич яратила бошланди, кириш имтиҳонларидаги тест саволлари тайёрлаш услублари илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқилди, илғор халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳоказо) сертификатларига эга бўлган абитуриентларга тегишли фанлардан белгиланган энг юқори балл бериш ва ушбу фанлар тест синовидан озод қилиш тартиби жорий қилинди, Ўзбекистон ва хорижий ОТМларнинг ўзаро келишуви ҳамда қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ва икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиёти жорий этилди, хорижий фуқаролар бакалавриятга квотадан ташқари суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг янги тизими жорий қилинди, муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизим яратилди, семестр якуни бўйича академик қарздор талабанинг қайта топшириши мумкин бўлган фанлар сони белгиланди ва уларни топшириш муддати ўзгартирилди, ҳар бир ОТМда биринчи курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этила бошланди, профессор-ўқитувчиларни уларнинг вазибалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқланди, ОТМ маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилди ва ҳоказо.

Иқтисодийнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъ-

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ// www.uza.uz

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА

қидлаганларидек: "Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш - энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодий тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар "ноу-хау"лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак"¹³.

Бинобарин, "инновацион ҳаёт тарзининг мазмунчи муттасил изланишлар олиб бориш, доимий ривожланиш учун "лойihalаштирилган", изланишларнинг натижаларини эмас, балки янгилликни яратиш жараёнининг ўзини доимий равишда қўлдан-қўлга ўтказиш учун мўлжалланган олий таълим муассасалари"ни тавсифлайди"¹⁴. Бугунги кунда Ўзбекистонда 113 та олий таълим муассасаси мавжуд, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 20 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 13 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди. Кадрлар буюртмачилари тақлифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди. 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртки таълим, 10 та олий таълим муассасасида кенчи таълим шакли жорий этилди. Республика олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди. Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича тахсил олоқдалар. Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича тахсил олоқдалар.

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2018 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди. Республиканинг 16 та олий таълим му-

ассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилимоқда. Сўнгги 3 йилда 1 693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9 636 нафарга етди (шундан 2 130 нафари фан доктори (DSc), 7 506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди. Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди. "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди. 2017-2019 йилларда таълим жараёнига 1154 нафар хорижлик юқори малакали педагог одим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар). Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.

Бу жараёнларнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кўрсатилди. Мазкур концепция объектив талаб ва заруриятдир. Чунки "тизимда кучли мувозанатсизлик ҳолатининг юзага келиши оқибатида тизим барқарорлигини йўқотади. Бундай ҳолатни тавсифлайдиган параметрлар критик деб номланиб, бу критик ҳолатдан мумкин бўлган янги барқарор ҳолатларнинг бирига сакраш орқали ўтилади"¹⁵. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, айнан беқарорлик, тартибсизлик эски тизимни емиради, янги тизимнинг ўз-ўзини ташкиллаштиришига шароит яратиб беради. Бу тараққиётнинг фундаментал хоссасидир. Ундан ташқари ташқи муҳитга мослашиш ва ички интеграциялашиш функцияларига эга бўлган тизимларгина ривожланиш қобилиятига эга бўлади. Шунингдек, ривожланаётган объект фақат сабаб-оқибат, зарурият орқали амалга ошиши билан чекланмасдан, ривожланишининг спонтан, тадрижий,

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган вазоратномаси // www.uz.gov

¹⁴ Тубельский А. Экспертиза инновационной школы // Инновационное движение в школьном образовании. - М., 1997. - С. 159-160.

¹⁵ Ровинский Р.Е. Самоорганизация как фактор направленного развития // Вопросы философии 2002. №6 С. 67

детерминистик жараёнларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Концепцияда белгиланган стратегик вазифалар, масалан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари Webometrics халқаро рейтингининг 1 000 талик рўйхатига киритиш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш асосида жаҳон миқёсидаги рақобатбардошликни таъминлаш, халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишга эришиш каби субстанционал элементлари олий таълимни янги юксалиш босқичига ва натижа берувчи фаолиятнинг ташкил топишига шарт-шароит яратади ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенденцион характердаги ўзгаришларга олиб келади. Холбуки, "буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоғлар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак" ¹⁶.

Бундай ўзгаришлар мамлакатнинг реал эҳтиёжлари, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодийтини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга бўлган талаб, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш, фан-таълим-ишлаб чиқариш алоқадорлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилгандир. Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳам илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга, ижтимоий тараққиётга янгича мазмун олиб киришга йўналтирилди. Тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан биргаликда талабаларга ҳам илмий иш қилиш учун шарт-шароитлар яратилди, улар инновацион дастурларга, стартапларга ва илмий лойиҳаларга фаол жалб этилди.

Олий таълимни ривожлантиришдан кўзланган мақсадлардан яна бири умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларнинг олий ўқув юртлари билан қамров даражасини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарур. Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етар-

ли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Олий таълим муассасаларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мус-тақил белгилаш тизимини жорий этиш керак. Бакалаврият йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятлари янада кенгайтирилади. Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади" ¹⁷.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2020 йил - Илм -маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили, деб эълон қилиши моҳиятида ҳам "мамлакатимизда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси қилиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодийтни шакллантириш борасида бошланган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш" ¹⁸ (18.// www.uz.uz) вазифаси қўйилган. Мазкур вазифа бўйича Мурожатномада устувор йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, олий таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкчаларини ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш, кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли челэл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, олий таълим қамровини ошириш, грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш (қизлар учун алоҳида грантлар ажратиш), тадқиқот йўналишлар кўламини кенгайтириш.

Қуйида билдирилган фикр, таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ва мамлакатимиз Мурожатномаси доирасида ишларни амалга оширишга боғлиқлиги билан изоҳланади:

1. Таълим муассасаларида педагогик фаолият ва таълим жараёни методологияси ҳамда психологиясини инновацион нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш долзарб ҳисобланади. Амалдаги фан дастурларида белгиланган билим, кўникма, малакалар мезони талаба (ўқувчи)да мотивацион ва инновацион кўникмаларни ҳосил қилишни тўлиқ ифо-

¹⁶ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Б.88.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўлланган мурожаатномаси // www.uz.uz

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўлланган мурожаатномаси // www.uz.uz

даламайди. Унда узлуксиз таълим тизимимиздаги умумпедагогик мақсад ва технология етакчи ўрин тутиб, чизиклилик методологиясига асосланган. Талаба (ўқувчи)нинг рационал (ақлий), иррационал (онг бети, онг масаласи рефлекслар, инстинктлар ва.к), ақлдан ташқари (ирода) ва ақлдан юқори (супраментал) ҳолатларнинг уйғунлиги, характери ва диссипатив тузилмалари, таълим элементларининг ҳаётга мувофиқлик ёки номувофиқлик жиҳатлари муаммо бўлиб қолмоқда.

2. Олий таълимда талабаларни ўқув услубий мажмуа, ўқув қўлланма ёки дарсликка "боғлаб" қўйиш ва шулар асосидаги билимдан қаноатланиш ҳисси регресс ҳолат ҳисобланади. Талаба фан (мавзу) бўйича нуфузли манбалардаги мақолаларни, китобларни ўқиши, ўқиганларини танқидий таҳлил қилиши, ўзида фикр пайдо бўлиши ва креатив ёндашиш, муносабат билдириш кўникмаси шаклланиши зарур. Бу борадаги муаммолар кўрдаги ва ўқ илдизи "мустақил таълим соатлари" ҳодисасини анъанавий қолипда тушуниш, мустақил таълимдаги "плагиат"лик, хориж талабалари ўқиш фаолияти тажрибаларидан хабарсизлиги кабилардир;

3. Олий таълим ўз-ўзини ташкиллаштириши катта аҳамиятга эга. Таълим иштирокчиларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан кафолатлаш, талаба (ўқувчи)нинг эҳтиёжларини ҳимоялаш ва манфаатларини таъминлаш,

малакали мутахассис ва илмий-педагоглар базаси мониторингини йўлга қўйиш таълим муассасининг комплекс ривожланишига олиб келади.

4. Асосий капитал бу - интеллектдир. Интеллектуал иқтидорлар умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган ўқувчилардир. Олий таълим муассасида иқтидорли талабаларни ажратиш ва илгари етаклаш механизмини масадли ишлаб чиқиш зарур. Талабаларни давлат степендияларига тавсия этишда субъектив ёндашишдан воз кечиш, бунинг учун институт томонидан ташкиллаштирилган комиссия асосида лойиқ деб топган талабани тавсия этиш лозим. Талабаларни илмий фаолиятга йўналтиришга тизимлилик хусусиятини бериш зарур, илмий ғоялар, лойиҳалар, ишланмаларни қўллаб қувватлаш кенгаши ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш замон талаби. Бу талабаларда илмий-амалий фаолият билан шуғулланишига имконият беради, профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларни ўз-ўзини ташкиллаштиришига, соғлом рақобатни юзага келишига имконият яратади, таълим сифати ва самародорлигини белгилаб беради.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ ТАКОМИЛИДА МИЛЛИЙ ТАМОЙИЛИНИНГ ЎРНИ

Бобомурот ТОШБОЕВ - фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доц. в.б.
Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ўзбекчилик тамойилининг шаклланиш ва такомиллашуви масаласи бугунги кундаги жамиятда амал қилувчи меъёрлар билан боғланган ҳолда таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда унинг бугунги шиддатли ўзгаришлар жараёнида муҳим ўрин тутувчи ва жамият тараққиётига таъсир этувчи шахс ижтимоий ва маънавий қиёфаси билан алоқадорлиги масаласи ҳақида фикр юритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ўзбекчилик, тамойил, стереотип, маънавий қиёфа, соддадиллик, маънавий мерос.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена вопросам формирования и совершенствования «принципа узбекчилик» путём примера, который является одним из наиболее важных проблем на сегодняшний день. Также рассматривается взаимосвязь социально-духовного облика личности, занимающего важное место в процессе стремительных изменений сегодняшнего дня, и необходимости его обновления, также вопросы его влияния на развития общества.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: узбекчилик, принцип, стереотип, духовный облик, простодушный, духовное наследие.

ABSTRACT. This article is based on the fact that the formation and improvement of the *uzbekchilik* is one of the most important issues of our day. It also addresses the highlights the social and spiritual image of the individual, which occupies an important place in the process of rapid changes of today and the need for it as well as its influence on the development of society.

KEYWORDS: *uzbekchilik, principle, stereotype, spiritual image, simplicity, spiritual heritage.*

Жаҳон цивилизацияси ривожда муносиб ўрин тутган шарқона турмуш тарзи ўз қадриятларининг инсонпарварлиги жиҳатидан ниҳоятда эъозлидир. Унда қаноат ва шукроналик, сермулоҳазали-

лик ва андиша, она табиат билан яқинлик, инсонийликка хос садоқат, қадр-қиммат, ор-номус каби олижаноб хислатлар мужассам. Жозибадор ва таъсирчан расм-русумлар ҳамда урф-одатларнинг